



**Куръони Каримнинг инглизчага таржима килган Рахим Парчебаф Довлати Эрон ҳукумати тарафидан тақдирланди.**

**Техронлик Рахим Парчебаф Довлатини Куръони Каримни инглиз тилига килган маъно таржимаси учун мукофотлаш маросими Техроннинг Райзан Халқаро Конференсия залида ўтказилди. Маросимда Президент девонидан Муҳаммад Наваҳандиан, тадқиқотчилар, олимлар ва талабалар иштирок этишди.**

**Таржимон бу иш устида узок йил меҳнат килди. У йигилишда килган нутқида, жумладан, шундай деди: «Бундан бир неча йил муқаддам Кўшма Штатлардалигимда инглизча таржимали Куръони Карим нусхасини кидирганимда, бир яҳудий томонидан килинган таржимани топгандим. Яҳудий Куръони Каримни таржима килиб, мен эронлик мусулмон бўла туриб бу ишни килмаганим учун ўзимдан ҳафа бўлгандим. Ана ўшанда мен ўз ўзимга умримни Куръони Карим таржимасига бағишлашга ваъда бердим». Рахим Парчебаф ҳар қандай таржимани Куръони Каримнинг ҳақиқий маъносини англашга эришиш учун ҳаракат деб атаб, «Бошқа мамлакатлардаги Куръони Каримга килинган таржима ишларини кузатгач,**

сода ва осон услубда таржима килишга уриндим», деди. У яна «Инглиз тили халқаро тил. Бинобарин, Куръони Каримнинг инглизча таржиямаси асл хакикатни кидираётгон араб ёки форс бўлмаган кўп сонли мусулмон ва номусулмонларнинг эҳтиёжини кондиради», дея кўшимча килди.

**Манба:** [http://www.tehrantimes.com/index\\_View.asp?code=247083](http://www.tehrantimes.com/index_View.asp?code=247083)